

## Хушхабар: «Тафсири Ҳилол»нинг қорақалпоқ тилидаги илк наشري дунё юзини кўрди



12:54 / 01.06.2023 1508

Аллоҳ таолога Ўзининг мақомига мос ҳамду санолар бўлсин!  
Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга мукамал ва батамом салавоту дурудлар бўлсин!

Роббул оламийннинг инояти ила «Ҳилол-нашр» матбаа-нашриётида фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг шоҳ асари бўлмиш «Тафсири Ҳилол» қорақалпоқ тилида чоп қилинди. Аллоҳ таоло қардош қорақалпоқ халқига бу нашни муборак айласин.

Қадрдон қорақалпоқ қардошлар, не бахтки, Аллоҳ аzza ва жалла нозил этган муборак китобнинг тафсирини она тилингизда мутолаа қилиш шарафига муяссар бўлдингиз. Энди сиз азизлар кўзингиз нурини тўкадиган сатрлар ердан чиққан маъноларни англатувчи сатрлар эмас,

балки етти осмоннинг устидан, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг даргоҳидан энг ишончли ва энг муқарраб фаришта олиб тушган илоҳий каломни, унинг маъноларини, унинг тафсирини англатувчи сатрлар эканини бир лаҳза ҳам унутмаслигингиз лозиму лобуддир.

«Ҳилол-нашр» матбаа нашриёти жамоаси ушбу нашрнинг мўмин-мусулмон юртдошларимизга тақдим этилишида хизмат қилиб, ҳисса қўшганларга, шу жумладан, асарни қорақалпоқ тилига таржима қилган Қорақалпоғистон мусулмонлари қозиёти қозиси Шамсуддин домла Баҳоуддинов бошчилигидаги ижодий жамоага ташаккурлар изҳор этиб, Аллоҳ таолодан уларга икки дунё саодатини сўраб, дуо қилиб қолади.

Маълумки, фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг қаламига мансуб асарлар мунтазам равишда кўплаб тилларга таржима қилиб келинмоқда. Жумладан, мазкур асарлар қорақалпоқ тилига ҳам таржима қилинаётган бўлиб, олти жилддан иборат «Тафсири Ҳилол» асари ушбу тилга таржима қилинган қирқ еттинчи китоб бўлди.

Аллоҳ таоло бу бебаҳо асарни барча мўмин-мусулмонларга муборак айлаб, манфаатини мўл қилсин, ундан ҳосил бўладиган ажр-мукофотлардан шайх ҳазратларининг номаи аъмолларига насибалар битсин, бу хизматни шайх ҳазратларидан садақаи жория ўлароқ қабул айласин.

***Islom.uz портали & Hilol-nashr матбаа нашриёти жамоаси***